



● Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг навбатдаги йиғилишида 2000 йилда ҳўжалик субъектлари фаолиятини текширишни тартибга солиш бўйича олиб борилган ишлар якунлари муҳокама қилинди.

● Республика Пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг пул муомаласини барқарорлаштириш, нақд пул муомаласини тўғри ташкил этиш ҳамда уни тартибга солиш, шунингдек, иш ҳақининг ўз вақтида тўлинишини таъминлашга доир қарорларнинг ижро этилиши, қорхоналарда хорижий валюта тушумлари аҳоли муҳокама этилди.

● Ҳисоб-китоблар механизминини тақомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссиясининг тўлов муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш бўйича қишлоқ комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди.

● Навоийда боғдорчилик, узумчилик ва сабзавотчиликда қишлоқ-баҳорчи агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш ҳамда юқори ҳосилдорлик омилига бағишланган минтақавий семинар бўлиб ўтди.

● Клиник-диагностика аппаратлари ишлаб чиқарувчи йирик Европа ва Америка фирмалари билан тузилган шартномага кўра тез тиббий ёрдам илмий марказининг Наманган вилоят филиалига яқин кўнларда қиймати 5,5 миллион АҚШ долларига тенг замонавий ускуналар етказиб берилади.

● “Экосан” халқаро экология ва саломатлик жамғармасида бўлиб ўтган йиғилишда мамлакатимизда ўтган йили ўтказилган Экология ва саломатлик кўнларининг ўз босқичи якунлари муҳокама этилди.

● Халқаро ҳамжамиятининг ИНТАС жамғармаси Орол денгизи хавзаси муаммолари билан шуғулланган олимлар ва тадқиқотчилар ўртасида минтақадаги экологик ва ижтимоий аҳолини барқарорлаштириш бўйича илмий ишлар танловини эълон қилди.

● Наманганда “Қамолот” ёшлар ҳаракати ташаббускор гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди.

САНАЦИЯ - ИҚТИСОДНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОМИЛИ

Аввал хабар қилганимиздек, 2001 йилдан санация қилинган 76 қишлоқ ҳўжалик қорхонаси учун ташқи бошқарувчилар танлови якунланди.

Танловда иштирок этган 212 номзод - юқори касб маҳорати, тажриба ва малакага эга бўлган туманлар ҳўкимларининг ўринбосарлари, йирик бўйинмаларнинг ҳамда юқори кўрсаткичларга эришадиган ҳўжаликларнинг раҳбарлари, қишлоқ ҳўжалик, молия ва иқтисод соҳасида сезиларли тажриба тўплаган мутахассислардан муносиб кишилар ташқи бошқарувчи сифатида танлаб олинди. Санация талаблари ҳамда уни амалга ошириш механизми кенг қамровли эканлиги, уларни эгаллаш эса алоҳида тайёргарликни тақозо этиши эътиборга олинди, ташқи бошқарувчилар ҳамда санация ҳўжаликлари мутахассислари учун махсус дастурлар асосида ўқув ташкил этилди.

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигида дастлабки ўқув семинари очилишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда алоқадор вазирлик, қўмита, идора, бирлашма ва банк раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ҳўкимларининг ўринбосарлари, санация қорхоналари маъмури бўлган туманлар ҳўкимлари, ҳўжалик раислари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги Аграрно-агроинженер раҳбари Т.Холтоев йиғилишнинг очар экан, санация мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларини ҳаётга изчил татбиқ этиш, қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга қаратилган муҳим тадбирлардан бири эканлигини таъкидлади.

Айтиш жоизки, давлат томонидан улкан амалий ёрдам кўрсатиётганига қарамай, талай қишлоқ ҳўжалиги қорхоналари бозор иқтисодиётига синовлар, ўтиш даври қийинчиликларига дош беролмай иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолмоқда. Бунинг асосий сабаби уларга бошчилик қилаётган раҳбарлардан

ҚИШ - БЕКОРЧИЛИК ЭМАС



Чуст туманидаги “Варзик” қишлоқ ҳўжалик қорхонаси деҳқонлари 797 гектар майдондаги галлани меҳр билан парвариш қилмоқдалар. Улар шу кўнларда ўсимликни озиклан-тириш, маҳаллий ўғит билан тайёрланган “шарбат” суви бериш сингари юмушларни кўнгилдагидек адо этмоқдалар. Миришқорлар бу йил 3300 тоннадан зиёд галла хирмонни уйишга бел боғлаганлар.

СУРАТДА: бош пудратчи Саидзим Деҳқонов ва пудратчи Рисканбой Шарипов галлани озиклантириш хусусида фикрлашишмоқда.

П.АКБАРОВ олган сурат.

ЁШЛАР ЎЗ СЎЗИНИ АЙТМОҚДА

Шу кўнлари барча вилоятларда “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Низоми ва Дастури лойиҳалари қизгин муҳокама этилмоқда.

Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги билан, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлоднинг вояга етказишга боғлиқ, Республика “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ўз зиммасига айна шундай масъулиятни олаётгани унинг истикболига катта ишонч уйғотди. Йиғилиш иштирокчилари ҳаракатнинг Низоми ва Дастури лойиҳасини атрофлича муҳокама қилиб, вилоят ёшлари муаммоларидан қелиб чиққан ҳолда уларни ҳаётга янада яқинлаштириш юзасидан таклиф ва истақлар билдиришди.

Бухоролик ёшлар ижтимоий ҳаракат муста-

ҒОФИЛЛИК БАЛОСИДАН АСРАСИН...

“Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас” деб бежиз айтилмаган экан. Шундай бўлмаса, юртимиздаги шунча ўсиш-ўзгаришларга қарамай, айримлар жисмида, руҳида, иш тутишида хали-ҳануз эскича андозалар ва қарашлар, қизил империя давридагидек бефарқлик, лоқайдлик, дил ва тилининг бошқа-бошқалиги каби иллатлар ҳамон “жон саклаб” келмасди.

Улар шундай кишиларки, кўрганларини кўрмаганликка олиб, “мен сенга тегмайман, сен эса менга” қабилида иш тутадилар.

Миллий ғуруримизга, миллий қадриятларимизга ва тафаккуримизга секинлик билан салбий таъсир этувчи, шундоқ бурунларининг остида бўлаётган ҳолатларни “арзимас нуқсонлар”, “майда камчиликлар” деб, билиб-билмасликка олишади.

Ана шундай ғофиллар бўлмаганида...

Наманганнинг марказида муҳташам бир бино бор. Бу вилоят марказий кутубхонаси. Ўз бағрига минглаб нусхадаги ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналарини, қанчадан-қанча илмий-маърифий асарларни жў этган бу улғу маскан турли касб, турли ёшдаги кишиларнинг семимли даргоҳига айланган. Кўнларнинг бирида сизга китоб ёки журнал керак бўлади-ю кутубхонага кириб борасиз. Эшикдан ўтиб, эллик сўм тўлаб, варақа тўлдирасиз. “Варақани ўзгаришига ҳафсала қилишмабди-да” деган гап ҳаёлигиздан ўтади. Китоб бериш бўлимида эса 25 сўмнинг кўнлардаги кутубхонадагидек хис қиласиз. Бехотиёр “билет”ни очасиз: “Пролетарию всех стран, соединяйтесь! Наманганская областная библиотека им.Надиры. Фамилия... Имя... Отчество... Год рождения... ва ҳоказо!”

“Е алхазар!” - деб, ёқа ушлайсиз. Ахир, истиклолимиз туйғайли ўз эркимиз ва ҳақ-ҳўққимизни таниб, ўз йўли-мизни таниб олганимизга ўн йил, ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганига ўн бир йилдан ошган бўлса-ю... чекка бир қишлоқда эмас, вилоят марказида, Наманганда шахри азимда, вилоят маданият ишлари бошқармаси, қола-

ЭЗГУЛИКНИ ОШНО БИЛГАНЛАР

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, кекса матбаачи Нурум ака Муродовни Бухоро вилоятида, айниқса, Шофиркон туманида танимайдиган киши топилмайди.

У киши туман ҳўкимлиги ва жамоатчилик талаб ва истагига биноан Шофиркон туман ноғиронлар жамоатига сардорликка тайинланди. Қисқа вақтда жамоият у кишининг савий-ҳаракати, ҳўмий ташкилотларнинг мадади билан нафақат туманда, балки вилоятда ҳам қўли узун, бели бақувват, саховатли ва муруватли жамоага айланди.

Мамлакатимизда миллий қадриятларни тиклаш, ёрдамга муҳтож ноғиронларга мадад бериш борасидаги ғамхўрликларни, қалби саховат ва муруватга ошно кишиларнинг бекидан хис этиш фазилати, Нурум акани кексаликда ҳам ўз ҳаловатидан кечиб ишлашга даъват этди.

Хуллас, бутун умрини эзгуликка бахшида этиб келётган Нурум ака Муродов тиниб-тиниб ўтиргани йўқ. У киши бир пиёла чой устида суҳбат қуришимизга ҳам жон деб рози бўлди.

ИШОНЧ

-Умрни оқар дараға қиёс этишади. Ҳақ гап экан. Кечагина жамоа ҳўжалигида, қишлоқ мактабиди ишлаб юрардим. Урушдан кейинги йиллар... Шароит нияҳтада оғир, ўзига яраша, бир парча нон топиш нияҳтада мушкул, қишлоқларда эса техника етишмас, барча ишлар деярли қўл кучи, ҳўкиз, омон ёрдамида баҳариларди.

Мактаблардаги аҳолини эса айтишга тил бормайди. Умр йўлларимда бир назар ташласам, барчаси қўз ўнгимдан кино тасмасидек бирма-бир ўта бошлайди. Оллоҳга минм бора шўроналар бўлсинки, бугунги кунда Ўзбекистонни жаҳон танияпти, юзлаб ривожланган хорижий давлатлар она диёримиз билан иқтисодий ҳамкорлик урнатмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ТАРАДДУД

Ўтган йили Оксарой қароргоҳида пахтачилик масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда Юртбошимиз андижонлик деҳқонларнинг кузги-қишқи ишларини алоҳида тилга олиб ўтдилар. Ҳақиқатдан ҳам вилоят миришқорлари экин-тинкинга ҳозирлик ишларининг қамиди 80 фоизни куз-қиш фаслида адо этиб қўйишади. Шу боис уларнинг бу борадаги тажрибалари кўпчилигининг

ЗАРАРКУНАНДА - НАҚ ОФАТ

(Учинчи мақола)

Бешоқли дон экинларига асосан бугдой трипси, хасва, шилимшиқ кўрт кучли зарар келтиради. Ҳосилдорлик 30 фоизгача қамайиши мумкин. Хасва билан зарарланган уруғлик доннинг 50 фоизи униб чиқмаслиги кузатилади.

Шилимшиқ кўрт эса фотосинтез жараёнини бузиб, ўсимликни ривождан тўхтатади.

Шунинг учун зараркунадаларга қарши кураш чораларини ўз вақтида ўтказиш зарур. Дала четларида пайдо бўладиган бегона ўтларни тозалаш турли лозим бўлади.

Шунингдек, қимёвий усулда курашининг аҳамияти катта бўлиб, шилимшиқ кўрт ва зарарли хасва шираларга қарши:

- 2,5 фоизли “Децис” препаратидан гектарага -5 фоизли “Суми-алфа” препаратидан гектарага 0,2-0,3 литр
- 5 фоизли “Карате” препаратидан гектарага 0,15-0,2 литр

меъёрида қўллаш ва ҳар бир гектар майдонга сарф қилинадиган эритма микдорини ўсимлик ривожига қараб, 100 дан 150 литргача ўзгариши мумкин.

Шунингдек, “Коракция”, “Уншудрин”, “Сарик доғлини” касалликларининг олдини олиш мақсадида мутахассислар кузатишлар олиб боришлари зарур бўлади.

Сарик “Занг” касаллиги ўта хавфли.

Бу дон тўлаш жараёнида ўтса ҳам, 10-30 фоизгача ҳосилнинг йўқолишига олиб келади. Галла экинлари касалликларига қарши курашда ерларни чўқур хайдаш, алмашлаб экишни жорий қилиш, ўсимлик қолдиқларини тозалаш туриш, минерал ўғитларнинг ўз вақтида ва илмий асосланган нисбатларда берилишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Сарик ва қўнғир тусли “Занг”, “Уншудрин” касалликларига қарши фунгицидлардан -40 фоизли “Альто” дан гектарага 0,1-0,2 кг; 25 фоизли “Байлетон” дан 0,5-1,0 кг; 3 фоизли “Тилп” дан 0,5 кг; 22,5 фоизли “Фолекур” дан 0,4-0,6 кг. қўллаш тавсия этилади.

(Давоми 3-бетда)

АМИР ТЕМУР ВА ЖАҲОН

Бу йил соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари таваллуд тоғнамига 665 йил бўлади.

Вактнинг тез ўтишини қаранг... Беш йил олдинги 660 йиллик тантаналар эсингиздами?

Юбилей муносабати билан жуда кўп маълумотлар эълон қилинди. Парижда ва Тошкентда бўлган анжуманларда иштирок этган дунёнинг бир қанча йирик олимлари ўз эътирофларини ба-

БИРИ ПОДШОҲ, БИРИ ВАЛИЙ ЭРДИЛАР

Туркистон мулкининг XVасрдаги шайх ул-машойихи, нақшбандия тариқатининг намоянчаси, дин ва миллат ҳўмийси Хожа Ўбайдуллоҳ Ахрор Вали Захриддин Мухаммад Бобур тақдирини ҳам муҳим роль уйнаган.

У туғилганда азиз-авлиёларга илхоси баланд бўлган отаси - Фарғона ҳўким Умаршайх Мирзо фарзандига ном қўйишни ўз даврининг муридиди қомили Хожа Ахрордан илтимос қилади. Буюк авлиё гўдакка Захриддин деб ном қўйиш баробарида бир илоҳий нафас ҳам қилган бўлса кераки, у кейинчалик Ҳиндистондаги бобурийлар салтанатига асос солган улўғ шўх, кучлар тенг бўлмаган оғир жанглар сизга ҳал қил-жасур саркар адабиётида кейинги шўхсупани банд этган забардаст шoir, қисқаси, замонасининг барча илмларига нодир, серкирра иҳод соҳиби ва жаҳон инсоний фазилатларини ўзлаштирган баркамол кишиси бўлиб етмиши.

Бобур хонадонини нақшбандия пирларига ҳамisha илхос-этикод кўрсатиб келган. Хожа Ахрор Бобурга ном қўйган бўлса, унинг халфаси Мавлоно Мухаммад Қозибухонадоннинг оилавий пир эди. Бунаҳиб инсоннинг Бобурга таъсири катта бўлган, унга ўзининг қимматли маслаҳатларини бериб турган. Бобур биринчи марта Самарқандни олганида Аҳмад Танбал ва Узун Хасанлар Андижонда фитна кўтариб, унинг устози ва тарафдори бўлган “Хожа Мавлоно Қозини арк дарвозасида беиззатона осиб, шаҳид қилдилар”. Кейинчалик Бобур Мавлоно Қозининг хияни ва халфаси, “нақшбандия тариқатининг баландларвоя шайхози” Маҳдуми Аъзамни ўзига пир тутиб, унга муридлик изҳор қилгани маълум. Бобур оли Ҳиндистонда туриб ҳам у билан ёзишмалар олиб борган. Хасанхожа Насорийнинг ёзишча: “Подшоҳнинг нақшбандия олий хонадонига иродат нисбати бор эди.

(Давоми 4-бетда)

